

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Тожалиев</b> Инновацион ривожланиш – жамиятнинг янги тараққиёт босқичида муҳим омил .....	66
<b>АДАБИЁТШУНОСЛИК</b>	
<b>Н.Каримов</b> Исҳоқхон Иброт: янги маълумотлар.....	69
<b>Ҳ. Худоймуродова</b> “Рўзи Чориевнинг сўнги васияти”да биографик метод.....	74
<b>О.Абобакирова</b> Ўзбек болалар ҳикоячилигининг услубий хусусиятлари .....	77
<b>ТИЛШУНОСЛИК</b>	
<b>М.Ҳакимов, М.Ғозиева</b> Овоз тембрининг функционал хусусиятлари.....	81
<b>Р.Шукуров, Г.Жўрабоева</b> Исҳоқхон Ибротнинг «Фарғона тарихи» асарида водий топонимлари таҳлили .....	87
<b>О.Бегимов</b> Қўшма таркибли оронимларнинг ясалишига доир .....	92
<b>ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ</b>	
<b>Л.Ахмедова</b> Инновацион таълим технологиялари орқали олийгоҳ талабаларини инглиз тилида сўзлашга ўргатиш .....	96
<b>Ж.Жалолов</b> Чет тили ўқитиш мазмунини тайёрлаш ва ўргатиш методикаси (методологик нуқтаи назар).....	101
<b>ИЛМИЙ АХБОРОТ</b>	
<b>А. Ўринов, Г.Собиржонова</b> Функция ҳосиласининг тенгламалар ечишга татбиқи.....	105
<b>Д.Орипов</b> Қаср тартибли оддий дифференциал тенглама учун локал ва нолокал шартли чегаравий масала ҳақида .....	108
<b>Н.Тўхтасинова</b> Псевдоқавариқ соҳалар ва уларнинг хоссалари .....	111
<b>Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова</b> Ўзбекистон – Италия ҳамкорлигининг айрим масалалари .....	113
<b>М.Усманов</b> Фуқаролик жамиятининг маданий ва гуманитар жабҳалари.....	115
<b>М. Раджабова</b> Фарғона вилояти шаҳарларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволи (1917 – 1924 йиллар) .....	118
<b>Б.Бахриддинова</b> Билвосита ва бевосита таржимада реалиялар.....	121
<b>З.Жўраева, Н.Ўсарова, Н.Дўлтаева</b> Салиҳ Бишакчи томонидан Абдурауф Фитрат асарларининг қиёсий таҳлили .....	124
<b>И.Ҳожалиев, И.Аҳмаджонов</b> Термин ва талқин муаммосига доир .....	127
<b>Б.Қурбонова, З.Каримова</b> Ўзбек ва қирғиз тиллари лексикасида макон семали лексемаларнинг ифодаланиши.....	130
<b>Г.Икромова</b> Шароф Бошбеков драмаларининг айрим фонетик хусусиятлари .....	132
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙЛАРИ</b>	
Ўзбек тилшунослигининг фозил сиймоси .....	135
<b>БИБЛИОГРАФИЯ</b>	
Библиография .....	137

## ЎЗБЕКИСТОН – ИТАЛИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Ф.Исматуллаев, С.Ахмедова

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистон билан Италия ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий, таълим ва маданий соҳалардаги ҳамкорлик алоқалари архив материаллари, илмий адабиётлар ҳамда даврий матбуот материалларидан унумли фойдаланилган ҳолда ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Италия Республикаси билан маданий алоқаларини ривожланиш жараёнлари тарихий-хронологик таҳлил этилган.

**Аннотация**

В статье на основе широкого использования архивных материалов, научной литературы и материалов средств массовой информации, освещаются вопросы взаимовыгодного сотрудничества между Республикой Узбекистан и Республикой Италия в социально-экономической, научно-технической, образовательной и культурной сферах. В историко-хронологическом порядке проанализированы процессы развития культурных связей между Узбекистаном и Италией.

**Annotation**

In the article on the basis of wide use of archive materials of scientific literature and sources of mass media has been illuminated the beneficial cooperation of the Republic of Uzbekistan and the Republic of Italy in scientific technical, socio-economic and educational and cultural spheres. Also the process of development cultural relations between Uzbekistan and Italy in historical - chronological order have been analysed.

**Таянч сўз ва иборалар:** Италия, Европа Иттифоқи, ҳамкорлик алоқалари, меморандум, темп, гуманитар, фермер, транспорт, фестиваль, Шарқ тароналари.

**Ключевые слова и выражения:** Италия, ЕС, сотрудничество, меморандум, темп, гуманитарный, фермерский, транспорт, фестиваль, мелодии Востока.

**Key words and expressions:** Italy, EU, cooperation, memorandum, pace, humanitarian, farming, transport, festival, oriental tunes.

Кўҳна Самарқанд ва боқий Рим шаҳарлари ўртасидаги ўзаро ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳамкорлик алоқалари қарийб икки минг йиллик тарихга эга. Бу жараёнда икки минтақани бирлаштириб, ўзаро савдо-сотиқ алоқаларининг ривожланишида Буюк ипак йўлининг аҳамияти катта бўлган. Кўҳна Мароқанд шойиси айнан шу йўл орқали Рим империяси ҳудудларигача етиб бориб, доврўғ қозонганлиги манбаларда қайд этилган [1,13].

Европа Иттифоқининг йирик ривожланган давлати - Италия билан иқтисодий соҳада ҳамкорлик эътиборга сазовордир. Ўзбекистон билан Италия ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1992 йили 19,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 1996 йилда 50 млн., 2000 йилда эса 112,8 млн. АҚШ долларига етган. Италия – Ўзбекистон товар айланмаси ҳажми жиҳатидан 10-ўринда, Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида 3-ўринда туради. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикасининг Италиядан импортдан кўра экспорт ҳажми юқоридир. Ўзбекистон Италияга пахта, рангли металллар ва улардан ясалган буюмлар, ип-газламалар сотади. Италиядан асбоб-ускуна, мебель, пластмасса, гўшт ва балиқ маҳсулотлари, сариёғ ва ўсимлик ёғи, кийим-кечак ва бошқалар олмоқда [2,12].

Италия инвесторлари билан кўплаб соҳаларда ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, қўшма корхоналар фаолият юритиб келмоқда. Улардан пластмасса буюмлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Совпласттал», сополбуюмлар ишлаб чиқарувчи «Тумор», устки кийимлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Ташкенткоттон», тери ва жунни қайта ишловчи «ЗТЧарм», двигателлар ишлаб чиқарувчи «Интеразия», пахтани қайта ишлаб чиқаришга йўналтирилган «Дженералбизнес», алюминийдан бижутерия маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган «Крузит», савдо-воситачилик хизматларини кўрсатувчи «Маура», халқ истеъмоли учун маҳсулотлар етказиб берувчи «Пент-Ўз», ипак толасини қайта ишловчи «Спиннингсилк», қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи «Фам», тадқиқотлар ва реконструкция маркази «Агроитал» фаолият юритиб келяпти [3,13]. Бу борада ҳали тўлақонли ҳамкорлик йўлга қўйилмаган энгил саноат, ёғочни қайта ишлаш, телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги, банк-молия тизими ва бошқа кўплаб соҳалар мавжуд бўлиб, истиқбол режаларида ушбу йўналишларни ҳам ривожлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Италиянинг «Текимп» компанияси билан «ЎзDEWOO Авто» ўртасида энгил автомобиллар учун ясси ойна ишлаб чиқариш заводини қайта қуриш ҳақида битим тузилди. «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси нефть конларини қидириб топиш борасида Италия билан ҳамкорлик ўрнатди. «Ўзбекмебель» давлат акциядорлик бирлашмаси янги технологияларни ҳарид қилиш учун Италия

фирмаси билан алоқа ўрнатди. 1994 йили «Коста» фирмасидан дурадгорлик буюмлар

Ф.Исматуллаев– Низомий номидаги ТДПУ доценти.  
С.Ахмедова– Низомий номидаги ТДПУ тадқиқотчиси.

ишлаб чиқариш технологиясини харид қилди. «Ничем», «Фравол» фирмаларидан харид қилинган қурилмалар Ўзбекистон ишлаб чиқариш соҳасига ёрдам берди.

Италиянинг машҳур ёзувчилари Данте Алигьерининг «Илоҳий комедия», Боккачонинг «Декамерон», Петрарка ва Вергилийнинг сонетлари, Джанни Родари эртақлари аллақачон жаҳон дурдоналари сафига қўшилган. Жумладан, бу асарларнинг ўзбек китобхонларига таржима қилиб етказилганлиги икки минтақа адабиёти билан яқиндан танишиш имкониятини бериб, халқларни яқинлаштиришда муҳим роль ўйнайди [4,41]. Шу боис, қадимда Шарқ маданиятининг ўчоғи бўлган Ўзбекистон билан бу борадаги алоқалар маориф, фан ва маданият соҳасида битим имзоланишидан анча илгари бошланиб кетгани бежиз эмас.

Италия билан театр соҳасидаги ҳамкорлик алоқалари ҳам ривожланиб бормоқда. Мисол тариқасида таъкидлаш мумкинки, 1996 йил Тошкент опера ва балет театрида итальян композитори К. Доницеттининг «Лючия ди Ламмермур» операси қўйилди. Албатта, бу санъат асарини қўйишда Италия элчихонаси катта ёрдам берди [5,105-107]. Икки мамлакат ўртасида маданий алмашувни рағбатлантириш, ўз ҳудудларида иккинчи мамлакатнинг адабиёти, санъати ва маданиятини тарқатиш йўли билан ўз халқларини яқинлаштирадилар [6,110].

Мусиқа санъати соҳасидаги фестиваллар нафақат Европа Иттифоқи мамлакатларида, балки Ўзбекистонда ҳам ташкил қилиб келинмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И. Каримов ташаббуси билан 1997 йил Самарқанд шаҳрида бошланган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ўтказиб келинмоқда. Ҳар икки йилда ўтказиладиган ушбу фестивалда дунёнинг кўплаб давлатларидан, шу жумладан, Европа Иттифоқи мамлакатларидан ташриф буюрган мусиқа усталари ўз маҳоратларини намойиш этиб келмоқдалар [7].

Ушбу жараёни қўйидаги мисолларда ҳам кўриш мумкин. 1997 йил Самарқанд шаҳрида ўтказилган «Шарқ тароналари» фестивалида жами 31 мамлакат ва 2 та халқаро ташкилот вакиллари қатнашган бўлса, улардан 6 таси Европа Иттифоқига тўғри келиб, 23 нафар мусиқа усталари иштирок этди. 2005 йилда ўтказилган фестивалда эса 50 та мамлакатдан 291 киши қатнашган бўлса, 76 иштирокчи 13 та Европа Иттифоқи мамлакатларига тўғри келди. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, «Шарқ тароналари» фестивалларида Европа Иттифоқи мамлакатлари орасида фаол иштирок этувчилар қаторида Италия Республикасини тилга олиш мумкин [8,4].

Ўзбек халқининг маданиятини тараннум этувчи кўргазмалар Италияда ҳам ташкил этилиб, икки халқнинг янада яқинлашувида муҳим роль ўйнади. Ш. Шохалилов бошчилигидаги «Мусаввир» фирмаси томонидан Италиянинг Умбрия провинциясидаги Тюди шаҳрида ташкил этилган «Ўзбек гилам ва сўзаналари» кўргазмаси санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдирди [9,41].

Демак, Ўзбекистон Республикасининг Италия билан ижтимоий-иқтисодий ва маданият соҳасидаги ҳамкорлиги масалаларини таҳлил қилиб, икки мамлакат халқлари тараққиёт даражаси ва маданий турмуштарзи ҳар хил бўлишига қарамасдан, ўзаро алоқаларни кенгайтиришдан манфаатдорлигини кўриш мумкин. Фан ва маданият соҳасидаги ютуқлар билан тажриба алмашиш давлатлараро алоқалар ривожига муҳим ўрин тутиб, ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви. Фонд.М-2., рўйхат.172.
2. ЎзР МДА. Пресс – релиз // Ф-м-2, рўйхат - 1, йиғма жилд.– 172.
3. ЦГА РУз. Национальная ассоциация международных культурно-просветительских связей Республики Узбекистан // Пресс – релиз // Ф-м-2, д –172.
4. ЦГА РУз. Информация о деятельности Общества «Узбекистан-Италия» // Ф-м-2, д – 172.
5. ЦГА РУз Национальной Ассоциации международных культурно-просветительских связей Республики Узбекистан // Информация о деятельности Общества «Узбекистан–Италия» // Ф-м-2, оп - 1, д – 172 л –41; Ф-м-7, д – 725.
6. ЎзР МДА. Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, 8- модда // Фонд. м -7, рўйхат – 1, жилд – 719. варақ – 110.
7. МИД РУз // Сотрудничество Республики Узбекистан со странами Европы. [http:// www.mfa.uz](http://www.mfa.uz).
8. ЎзР МДА. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги // «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалларида қатнашган ва таклиф этилиши режалаштирилган иштирокчилар ҳамда ижрочилар ҳақида қиёсий маълумот. М-38-фонд. 1-рўйхат. 343-иш. 4-варақ.
9. ЦГА РУз. Национальной Ассоциации международных культурно-просветительских связей Республики Узбекистан // Информация о деятельности Общества «Узбекистан-Италия» // Ф-м-2, оп – 1, д – 172, л –41.

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор)